

БЕЗАШ САНЪАТИ УСЛУБЛАРИ

*Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи
кутубхонаси ходими. М Давранова*

Аннотация: Мазкур мақолада кандакорлик санъатининг келиб чиқиши, шаклланиши ва тарихий тараққиёт босқичлари кенг ёритилган.

Ўзбек халқ амалий безак санъатида муҳим ўрин тутадиган кандакорликнинг мис ва бошқа металлдан тайёрланган бадий буюмлардаги ифодаси, уларга ишлов бериш усуллари ҳамда нақш тушириш анъаналари таҳлил қилинган.

Шу билан бирга, Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида сақланаётган кандакорлик санъати намуналари, уларнинг бадий ва тарихий қиймати ҳақида маълумот берилган.

Мақолада Ўзбекистон ҳудудида шаклланган кандакорлик мактаблари — Фарғона, Тошкент, Бухоро, Қарши-Шаҳрисабз, Самарқанд ва Хоразм мактабларининг ўзига хос услублари, нақш турлари ва усталар ижодига хос хусусиятлар таҳлил қилинган. Шунингдек, ҳунармандчилик анъаналарининг авлоддан-авлодга ўтиши, устоз-шогирд мактаби ва замонавий даврда кандакорликнинг қайта жонланиши ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Наманган вилоят давлат музейида этнография кўргазмалар залида кандакорлик санъатига оид бўлган жуда кўп экспонатларни учратишингиз мумкин. Улар орасида мисдан ишланган кўзалар, офтоба, қумғон, сатил бўлиб, улар ўз аҳамиятига эга.

Халқ амалий санъатида кандакорлик, металдан ясалган бадий буюмларга бўртма усулда ишлов бериш алоҳида ўрин эгаллайди. Бу санъат қадимийлиги жихатидан кулолчиликдан кейинги ўринда туради. Жуда қадим замонлардан бронзадан буюм яшаш урф бўлган.

Шарқда мисдан турли буюмлар ясаш милоддан аввалги 4минг йилликдан маълум бўлиб, эрамиздан аввалги VI аср охири VII аср бошларида Қадимги Лидия давлатида пайдо бўлган. Ўрта Осиёга милоддан аввалги IV асрдан бошлаб кириб келган. Ўзбек халқи оскўп асрлар давомида амалий безак санъатининг бой ҳамда ранг-баранг бадий анъаналарини яратган. Улар авлоддан -авлодга, наслдан- наслга мерос бўлиб ўтиб, ўзидан бир қатор тарихий қатламларни мужассам этган. Ҳунармандчиликда мисгарлик жуда кенг тарқалган ҳунарлардан. Металларга ишлов беришда мохирликни қўлга киритган усталар бор маҳоратларини ишга солиб, турли-туман бадий буюмлар ясаганлар. Ўзбек наққош мисгарлари яратан мис идишлардаги нақшлар ниҳоятда мураккаблиги, иавзу ва элементларнинг ранг-баранглиги мазкур санъат соҳасини узоқ тарихий тараққиётни босиб ўтганлигини кўрсатади. Ҳозирги даврда мисгарлик санъатига янгича мазмун ва услуб бошқа рамзий, тасвири композитциалар киши диққатини ўзига жалб этади. Қадимги ва илк ўрта аср кандакорлиги асосан халланган кумуш буюмлардан XI асрдан бошлаб эса фақат мис ва мисс қотишмаларидан тайёрланган идишларда ўз ифодасини топган. III- VII асрларда яратилган буюмларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бу даврда ҳукмдорлар ва аъёнлар учун буюмлар махсус буюртмалар асосида қимматбаҳо метеллар яъни, олтин ва кумушлардан ишланган.

IX-X асрлада Ўрта Осиёга ислом динининг кириб келиши билан, кандакорлик асарларида янги ғоявий услуб кириб келган. Шунингдек шаҳарлар сонининг кўпайиши, кундалик турмушда метал буюмларга эҳтиёжнинг ортиши натижасида ҳунармандчилик ривож топган. Хомашё сифатида қимматли металлар етишмай қолган. Асосан бир мунча арзон материаллар мис ва миснинг қалай, қўрғошин кумиш билан ҳосил қилинган турли қотишмалардан буюмлар ясалган. XI аср ўрталарига келиб металл буюмларга пардоз бериш натижасида кўп ўзгариш содир бўлиб, миллий нақшлар чизиш муҳим аҳамият касб этган. Буюмларга миллий нақш туширишнинг кенг тарқалган усулларида бири гравировка яъни ўйиб ишлаш бўлиб, у гулларнинг жимжимадор, текис чиқиши каби декоратив таълабларга тўлиқ жавоб беради.

XI asrlardagi ўзгариш нафақат, миллий нақш усулини балки идишларнинг шакл-шамойили, сийрату қиёфасини тубдан ўзгартириб, илгариги беўхшов, қўпол шаклли идишлар ўрнида бежирим, ихчам буюмлар вужудга келган. Илк ўта аср (IX-XII) кандакорлигининг муҳим хусусиятларидан яна бири, буюмларда ёзувли нақшларнинг қўп қўлланишидир. Қадаҳ ва идишларда «куфий» ва «насх» услубида битилган ёзувларда унинг номаълум соҳибига омад, тани-сихатлик каби эзгу тилаклар баён қилинган.

XIII-XV asrlarda уста кандакорлар идишларнинг ташқи кўриниши бежирим чиқиши учун безакларга кумуш ва олтин ипларини қадаб зар бериш усулини яратдилар. XVI-XVIII asrlarda кандакорликда бу усул янада ривожланиб, идишлар шунингдек, қурол-аслаҳалар, дубулға, шамширлар ўйма нақшлар ҳамда қимматбаҳо металл ва ранг-баранг тошлар билан зийнатланган. XVIII-XX asr бошларига келиб, Хива, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Тошкент, Қўқон, Чуст, Косонсой шаҳарлари кандакорлик буюмлари ишлаб чиқарадиган энг сифатли кандакорлик буюмлари тайёрлайдиган ва ишлаб чиқарадиган марказга айланган.

Хунармандчиликнинг нафис соҳаси кандакорлик қўлда бажариладиган, қўп меҳнат таълаб қиладиган хунар соҳаси бўлиб, у биргина асбоб- пўлат қаламнинг ҳар хил турларида ёрдамида амалга оширилган. Буюмнинг қандай бўлиши миллий нақш ва гулларга ҳамда уларнинг қай йўсинда туширишга боғлиқ.

Кандакорликни ривожланиш тарихига эътибор қаратар эканмиз, шаҳарлар ривож топиб, хунармандчилик кенг ёйилган, мис идишлар, қуроллар, эшик ва дарвозаларнинг занжир, зулфин тутқичларига ўйиб нақш тушириш санъати янада ривожланганлигини кузатамиз. Шу ерда таъкидлаш жоизки, Чуст азал -азалдан хунармандлар шаҳри бўлган ва ўз усталари ва улар ясаган буюмлари билан машҳур бўлган. Айниқса жездан буюм яшаш тараққий этганлиги учун хаттоки Бурчмулла жез конларидан эшак карвонларда руда келтириб Чустда қайта ишланиб, керакли жез, пўлат тахталар тайёрланган. Чустда 48та сандонда усталар 4-5 та шогирдлари билан ишлаган. Бибиона мозори атрофида усталарнинг анжумани ва сайллари яқин кунгача ҳам ўтказилиб турилган. Мустақилликка эришилгандан кейин миллий

хунармандчиликка катта ахамият берилиши натижасида Чуст шахрида ҳам кандакорлик қадимий халқ хунармандчилиги сифатида қайта жонланди.

Ўзбекистонда 19-аср охрига келиб усулнинг ўзига ҳослиги, зарбнинг чуқур ёки саёзлиги, нақшлар юзаси ва замонини безашда қўлланиладиган усуллардан кўра, бир-биридан фарқланадиган кандакорликнинг бир неча (Фарғона, Тошкент, Бухоро, Қарши, Шахрисабз, Самарқанд, Хоразим) мактаблари шаклланди. Фарғона кандакорлик мактаби усталари (Абдулфозил Отауллаев, Мулла Сиддик Отауллаев ва бошқалар) буюмларни безашда кўркам боғлар, чаманзорларни эслатувчи нафис нақшларни саёз, тор заминли қилиб ишлаганлар, ўзига ҳос тарзда пардозлаганлар, баъзан мужассамотга меърий тасвирлар ҳам киритилган. Тошкент кандакорлик мактаби вакиллари йирик буйимларга анъанавий нақшларни йирикрок қилиб ишлаганлар, безакда сода нақшлар (мехроб занжира, зулук, олмагул ва бошқалар) ни қўллаганлар. Бухоро кандакорлик мактаби вакиллари (Ҳаким Бухорий, Дўстмуҳаммад Ризо ва бошқалар) буюмларни ўртача ҳажимда нафис, байтларни кўп қўллаган ҳолда беаганлар. Қарши-Шахрисабз кандакорлик мактабига Бухоро кандакорлик мактабининг таъсири кучли бўлган, усталар буюмларни, шунингдек шиша, фериза кўзлар қадаб беаганлар, нақш замини рангли лаклар билан бўялган, баъзан буюм сирти қолипаки усулида ишланган безаклар билан қопланган. Самарқанд кандакорлик мактаби вакиллари буюмларни шабқа усулида (панжарасимон) беаганлар, нақшда шобарг кенг қўлланилган, нақш замини чекма гуллар билан пардозланган. Хоразим кандакорлик мактаби усталари (Хўжаниёз Саидниёзов, Матёқуб Жонибеков, Б Ёқиббоев ва бошқалар) наққошлар тайёрлаган ахталар ёрдамида мураккаб буюмларни ҳандасий ва ислимий нақшлар билан тўлдириб беаганлар. Бу мактаблар ўзаро алоқада бўлган, айрим уста кандакорлар ўз ижодларида турли мактаб усуллари қўллаган. 19-аср охри 20-аср бошларида ясалган кандакорлик буюмлари шакли ҳилма-ҳил (чой идиш, мис кўза, коса, лаган лали, қашқул, офтоба, қумғон ва бошқалар) тайёрланган ҳамда ниҳоятда нозик ва бежирим нақшланган. 20-аср 20-йилларидан усталар артелларга уюштирилди кандакорлик сехларида ижод қила бошлаган усталар турли

мактабларнинг анъаналари, усулларида фойдаланиб бадий буюмлар (чой идиш, мис кўза, мис лаган, сатил, офтоба, дастшўй, қумғон ва бошқалар) тайёрлади. 60-йиллар бошларида артеллар тугатилиб маҳаллий саноат корхоналари, маҳаллий хизмат к-тларда (Қўқонда Л. Фозилов, Бухорода С. Ҳамидов, М. Мукаррамов А. Ҳамидов, Хивада Й. Бекжонов бошчилигида) кандакорлик буюмлари ишлаб чиқарилади. Тошкент, Бухоро Қўқон, Хива каби шаҳарларда Озбекистон БА кандакорлик устахоналарида кекса кандакорлар ёшларга (устоз- шогирт усулида) ўз ҳунарларини ўргатмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, ҳазирги кунда ҳам кандакорлик санъатига бўлган эътибор янада ривожланиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1–14-жилдлар. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000–2006.
2. Раҳмат, А. **“Изларни излаб”**. – Тошкент: Ёзувчи нашриёти, 1980-йиллар.
3. Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъати тарихи. – Тошкент: Санъат нашриёти, 2010.
4. Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи материаллари. – Наманган, 2020–2025.